

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШДА ГРАММАТИК ТАРЖИМА МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Адила Таджибаева, ўқитувчи,

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали,

Ўзбекистон, Фарғона ш.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7329485>

Аннотация: Тил ўрганиш кишилик жамиятида бағоят муҳим соҳалардан ҳисобланади. Алоқа воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда (оилада, жамоатчилик орасида) ёки уюшган ҳолда дарсда амалий эгаллаш мумкин. Тил ҳодисаларига оид билимлар эса назарий жиҳатдан ўрганилади.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида ва умумтаълим мактабларида, айниқса, олий таълим муассасаларида чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўргатишнинг инновацион усуллари қўллаш орқали ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагог-ўқитувчиларни ташаббуслари ва янгиликлари асосида айнан барча таълим тизимида мазмун ривожланиш кузатилади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, инновация маълум бир фаолият майдонидаги муаммони ечиш учун янгича ёндашув демакдир.

Калим сўзлар: чет тили, таълим, таълим самарадорлиги, инновацион фаолият, халқаро муносабат, грамматик таржима методи.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ГРАММАТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА В ЭФФЕКТИВНОМ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Аннотация: изучение языка-одна из важнейших областей в человеческом обществе. Язык как средство общения может быть освоен практически в естественной среде (в семье, среди общественности) или организованно на уроке. С другой стороны, знания о языковых явлениях изучаются теоретически.

В настоящее время в системе дошкольного образования и в общеобразовательных школах, особенно в высших учебных заведениях, обучение приобретает все большее значение за счет применения инновационных методов обучения иностранным языкам, в частности английскому. Именно на основе инициатив и инноваций педагогов-педагогов наблюдается развитие содержания во всей системе образования. Это также положительно влияет на развитие системы образования в целом. Одним словом, инновация означает новый подход к решению проблемы в той или иной сфере деятельности.

Ключевые слова: иностранный язык, образование, образовательная эффективность, инновационная деятельность, международные отношения, метод грамматического перевода.

THE USE OF GRAMMATICAL TRANSLATION METHOD IN EFFECTIVE TEACHING OF THE ENGLISH LANGUAGE

Abstract: Language learning is one of the most important areas in human society. Language as a means of communication can be mastered practically in a natural environment (in the family, among the public) or organized in the classroom. On the other hand, knowledge about linguistic phenomena is studied theoretically.

Currently, in the system of preschool education and in general education schools, especially in higher educational institutions, education is becoming increasingly important due to the use of innovative methods of teaching foreign languages, in particular English. It is on the

basis of initiatives and innovations of teachers-educators that the development of content in the entire education system is observed. It also has a positive impact on the development of the education system as a whole. In a word, innovation means a new approach to solving a problem in a particular field of activity.

Keywords: *foreign language, education, educational efficiency, innovative activity, international relations, method of grammatical translation.*

КИРИШ

Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Бугунги тезкор давр таълим олувчилар, шу жумладан ўқувчиларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Чет тил – бу хорижий мамлакат тили бўлиб, Республикамизда Ғарбий Европа (инглиз, испан, немис, француз) тиллари ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг ўқув режаларидан ўрин олган.

Қайд этилган муҳокамадан аён бўладики, учала тил орасида чет тилни ўргатиш-ўрганish муайян жиҳатлари билан кескин фарқланиб туради. Бу эса, ўз навбатида, тегишли чет тил ўқитиш услубиётини қўллашни тақозо этади. Чет тил муаллими методика фани ютуқларини ўзлаштириш орқали ўқувчининг тўплаган тил тажрибаси меъёрини аниқ билишга ва уни янада такомиллаштиришга эришади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Таълим тизимида замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар эгалланаётган билимларни ёшлар томонидан ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, уларни таҳлил қилишлари, ўз билимларини баҳолашлари, тўғри хулосалар чиқаришга қаратилган.

Таълимда ижодий изланишлар ҳақиқий илмий назарияга, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига, ўқитишнинг назарий асослари, шахс ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлари ва унинг шакллантириш шароитлари тўғрисидаги билимларнинг кенг тизимига таянган ҳолдагина муваффақият қозонади. Инсон ҳаёти шароитларини ўзгартирувчи ва инсонни ўзини ҳам ўзгартирувчи фаолият ҳозирги замонда таълимнинг умумий асосидир.

Инсон фаолияти жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий даврида турли хил кўринишлар, фаолиятнинг турли шаклларида фарқланади. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология,

бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”[1]

“А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади”[2].

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндошувлар кузатилади. Улар:

1. *Гностик-динамик ёндошув* (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга тадбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадilar, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадilar).

2. *Индивидуал фаолиятли ёндошув* (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳолда амалий фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадilar).

3. *Кўп субъектли (диалогик) ёндошув* (мазкур ёндошув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

4. *Инсонпарварлик ёндошуви* (ушбу ёндошув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади).

5. *Индивидуал-ижодий ёндошув* (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалнинг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини иждодий ишланмалар асосида ташкил этади).

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувида йўналтирилган тизим яратилмоқда.

Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни

ташқил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Чет тили ўқитиш методикаси ёш фанлардан бири ҳисобланиб, унинг пайдо бўлганига тахминан 200 йил бўлган бўлсада, фанда чуқур изланишлар олиб борилди. Жамият ривожлана бориши билан доимо янги методлар вужудга келиши муқаррар эканлигини эътироф этмоқда.

Маълумки, метод-методика тушунчаси грек-лотин сўзи “metodos-metodus”дан олинган бўлиб, мақсадга элтувчи йўллар, усул маъносини англатади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хорижий тилларни ўраниш ва ўргатишда шу кунга қадар бир неча методлар қўлланилганлиги барчага маълум. Улар хорижий тилларни ўқитишда узоқ вақт қўлланилиб келинган ГТМ (Грамматик-таржима методи), БМ (Бевосита методлар), АЛМ (Аудиолингвал метод), АВМ (Аудиовизуал метод) ва бугунги кунда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда кенг қўлланилаётган КМ (Коммуникатив методикадир).

Немис услубшуноси профессор Герхард Нойнер ўзининг “Чет тил ўқитиш методлари” китобида грамматик таржима методлари Европада XIX асрда француз ва инглиз тилларини гимназияларда ўқитиш учун қўлланилганлигини, намуна сифатида гимназияларда ўқитиладиган қадимги грек ва лотин тиллари хизмат қилганлигини, замонавий “тирик” чет тиллар “ўлик” тиллар (алоқа воситаси сифатида фойдаланилмайдиган ва фақат ёзма равишда мавжуд бўлган) бўлиши лотин ва грек тилларини ўқитиладиган метод асосида ўргатилганлигини ёзади[3].

Грамматик-таржима методида грамматикага катта эътибор берилган. Грамматик ўқув материали мажмуасининг асосини ва уни ўзлаштириб олиш таълим мақсадининг асосини ташқил қилади. Ким грамматикани эгаллаб олса чет тилини эгаллаган ҳисобланган. Таржимага ҳам алоҳида ўрин берилган. Ким тўғри таржима қила олса, демак у чет тилини билган ҳисобланган.

МУҲОКАМА

Агар биз ГТМ асосида яратилган дарсликларга назар ташласак, дарсликда дастлаб бирон-бир мавзуга оид матн берилган. Матнга тегишли бир ёки иккита машқлар берилган. Машқлар эса қуйидагилардан иборат бўлган: Матнни ҳикоя қилиб беринг ёки саволларга жавоб беринг, тарзида. Матнни тўла оғзаки нутққа олиб чиқиш учун оддийдан мураккабга йўналтирилган машқлар мавжуд бўлмаган. Сўнгра маълум грамматик қоида берилган. Барча машқлар эса грамматик қоидага йўналтирилган. Машқлар кетма-кетлик даражасига ҳам мутлақо эътибор берилмаган. Бундан ташқари грамматик таржима методида ўқиш ва ёзишга катта эътибор берилган. Натижада гапириш ва эшитиш ривожланмай қолган. Шу сабабли грамматик таржима методи билан таълим олган ўқувчиларнинг оғзаки нутқлари ривожланмай қолган. Чет тилларини ўрганиш орқали ўзга маданият таълимий бойликлари ва кадриятлари билан танишиш ва уларни ўз маданий ҳаётида тадбиқ қилиш орқали инсон шахсининг ривожланиб боришини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Инглиз тили дарсларида ўқувчилар оғзаки нутқини ривожлантиришда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, ўқувчи-ёшларларга маълумот бериш ва у билан боғлиқ маълумотларни инновацион усуллари, воситаларини бериш ўқувчилар нутқини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тили дарсларини ўқитишда грамматик таржима методи орқали ўқувчи-ёшлар айрим маълумотларга эга бўлиши мумкин, лекин дарсдан сўнг мустақил равишда изланишга ундайши натижадаси кўпроқ янги маълумотларни билиб оладилар. Шунингдек, бу дарс ўқувчиларга инглиз тилида муҳим ҳисобланган ўқиш, мавзуга оид атамаларни ёд олиш имкониятини ҳам беради.

Бундай дарслар ўқувчи-ёшлар билимларини ўрта даражадан юқори даражага юксалишига сабаб бўлади. Бу билан ўқувчи-ёшларни дарсдан ташқари ўқиш, оғзаки кичик тақдимот ўтказиш, ёзиш имкониятларини ошириши билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 169-бет.
2. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015. 10-бет.
3. Герхард Нойнер ва Ганс Хунфелд. Чет тили ўқитиш методлари. Берлин: Лангеншайдт, 1993.
4. Tadjibaeva, A., & Tashlanova, N. (2020). The collaborative approach in content and language learning. *Теория и практика современной науки*, (6), 31-34.
5. Ташланова, Н. Д. (2019). Развитие критического мышления студентов в вузах. *Проблемы современной науки и образования*, (11-2 (144)), 63-64.
6. Tashlanova, N. (2021). The essence of collaborative approach in learning a language. *Scientific progress*, 2(8), 281-286.
7. Tadjibaeva, A., & Tashlanova, N. (2020). The collaborative approach in content and language learning. *Теория и практика современной науки*, (6), 31-34.
8. Tashlanova, N. D. (2019). Development of critical thinking of students in universities. *Problems of modern science and education*, (11-2), 144, 22-28.
9. Ergashevna, T. A. (2020). Specific features of the language in the development of culture. *Проблемы современной науки и образования*, (3 (148)), 82-84.
10. Таджибаева, А. Э. (2020). Актуальные проблемы обучения иностранным языкам в вузе. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (155)), 42-44.
11. Таджибаева, А. Э. (2020). Actual problems of teaching foreign languages at university. *Проблемы современной науки и образования*, (10), 42-44.
12. Qurbonov, N. B., & Tashlanova, N. D. (2021). Derivative opportunities of the uzbek and english languages in the system of figurative place names. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 400-408.
13. Ташланова, Н. Д. (2019). Использование опорной технологии в обучении русского языка. *Экономика и социум*, (9), 289-292.
14. Ташланова, Н. Д. (2019). Применение различных видов лекций для развития критического мышления студентов в высших учебных заведениях. *Экономика и социум*, (8), 220-224.
15. Таджибаева, А. Э. (2021). Активные методы обучения английскому языку студентов, изучающих информационную технологию. *Проблемы науки*, (3 (62)), 47-49.
16. Adila, T. (2020). Information technology as effective means of fostering students to learning a foreign language. *Modern scientific challenges and trends*, 196.

17. Нишонов, У., & Таджибаева, А. (2017). Информационно-компьютерные технологии при изучении языка. *Форум молодых ученых*, (5), 1548-1551.
18. Ташланова, Н. Д. (2018). Формирование навыков при выполнении самостоятельных работ студентов в высших учебных заведениях. *Мировая наука*, (4), 238-240.
19. Ташланова, Н. Д. (2018). Эффективное использование игровых технологий в процессе обучения. *Форум молодых ученых*, (4), 1419-1421.
20. Ташланова, Н. Д. (2018). Эффективное использование современных компьютерных технологий на уроках иностранных языков. *Экономика и социум*, (11), 907-910.
21. Djuraevna, T. N. (2022). Language Teaching Methodology: Tradition and Modernity. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 3(2), 41-51.
22. Ташланова, Н. Д. (2022). Особенности Методических Приемов Изучения Второго Иностранного Языка. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(9), 1-11.
23. Djuraevna, T. N. (2022). Correlation of Didactics, Linguodidactics and Methods of Teaching Foreign Languages. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 12, 7-16.
24. Ergashevna, T. A. (2022). The Effective ways, Methods and Techniques for Teaching English. *Central asian journal of literature, philosophy and culture*, 3(2), 32-37.
25. Таджибаева, А. (2022). Развитие профессиональной компетентности у студентов высших учебных заведений. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(2), 37-42.
26. Таджибаева, А. Э. (2022). Таълим самарадорлигини оширишда педагогик-психологик технологиялардан фойдаланиш. *Scientific progress*, 3(1), 313-320.
27. Tadjibaeva, A. (2017). Learning a foreign language in the elderly age. *Форум молодых ученых*, (6), 5-8.
28. Kipchakova, Y. (2021). METHODOLOGICAL AND DIDACTIC ASPECTS OF INFORMATION AND INTELLECTUAL CULTURE IN THE EDUCATION OF A DEVELOPED GENERATION. *Экономика и социум*, (6-1), 156-159.
29. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 29-31.
30. KIPCHAKOVA, Y., ABDUXAMIDOVA, M., & RAXMONALIYEVA, M. THE IMPACT OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN IMPROVING STUDENT KNOWLEDGE. *СТУДЕНЧЕСКИЙ ВЕСТНИК Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука"*, 37-38.
31. Mamatovich, Z. R., & Ergashevna, T. A. (2019). Blended learning in higher education using LMS Moodle. *Образовательный процесс*, (5 (16)), 5-9.
32. Tadjibaeva, A. (2018). The essence of evidence based teaching techniques in learning a foreign language. *Экономика и социум*, (10), 88-91.
33. Tadjibaeva, A., & Xurvaliyev, B. (2020). The essence of media literacy in learning process. *Теория и практика современной науки*, (6), 35-37.
34. Hakimov, A. R., & Tadjibaeva, A. E. (2016). The perspectives of using information technologies in distance learning. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (3-5), 56-60.

35. Atajanov, U., & Tadjibaeva, A. (2016). The importance of using modern educational technologies, including it competency approach as well as interactive methods in teaching the subject and educational work. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (3-5), 52-55.

36. Tadjibaeva, A., & Diyorov, N. (2020). THE USE OF COMPUTER TECHNOLOGY IN LEARNING THE LANGUAGE. *Теория и практика современной науки*, (6), 38-40.

37. Tadjibaeva, A., & Tokhirov, J. (2019). THE ISSUES OF MORAL AND BEHAVIOR IN ABU NASR FARABI'S PEDAGOGICAL VIEWS. *Экономика и социум*, (6), 85-87.

38. Tadjibaeva, A. (2017). THE ISSUES OF HUMAN BEHAVIOR, CONDUCT AND ETHICS IN THE VIEWS OF THE GREAT EASTERN SCIENTIST PHILOSOPHER ABU NASR FARABI. In *Современные проблемы гуманитарных и естественных наук* (pp. 179-183).

39. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.

40. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).